Ушбу сонда:

ДАЪВОГАР ҲАМ, ЖАВОБГАР ҲАМ РОЗИ 2



ЁРДАМ ВА КАФОЛАТ ТИЗИМИ 3

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН "ВАКОЛАТ" 4



**MEZON:**

**Фермер хўжалиги аъзолари жумласига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар киради.**

**Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар фермер хўжалиги аъзоси ҳисобланмайди.**

**"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 3-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 29 (385)
2004 йил 27 ИЮЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

*Истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида жамиятда инсон ва унинг эркинликлари энг асосий қадриятлардан бирига айланди. Бу борада "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонун асосида илгари маҳкумларга нисбатан тайинланган жазолар юмшатилди ёки улар жазодан умуман озод қилинди.*

## БОШ МАҚСАД – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Таъкидлаш жоизки, либераллаштириш тўғрисидаги қонун халқимизнинг кўп йиллик орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Жумладан, жамиятда жиноят деб тан олинган ҳолатларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфсизлик даражасига баҳо бериш-жиноятларни таснифлаш мезонлари ўзгарди.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, илгари Жиноят кодексидаги жами жиноятларнинг 18,7 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган тоифага киритилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 42,8 фоизга ўсди. Шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар илгари 50,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда 30,3 фоизни, оғир жиноятлар 17,6 фоиздан 15,1 фоизга, ўта оғир жиноятлар 13,3 фоиздан 11,8 фоизга камайтирилди.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби анча енгиллаштирилди. Чунончи, жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган маҳкумларнинг содир этган жиноятларига қараб белгиланган жазо енгиллаштирилган бўлса, тегишли жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларининг тақдимномасига кўра, судлар томонидан 678 нафар маҳкумларнинг жазолари қонунга мувофиқлаштирилди.

Иқтисодий йўналишдаги жиноятлар учун жарима тарзидаги жазо чораларини қўллаш кўлами анча кенгайтирилди. Жарима жазосининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланди.

Жиноят кодексининг 12 та моддасида кўрсатилган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик каби мулкий зарар етказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар, агар етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланди. Ушбу турдаги жиноятлари учун жазони ижро этиш жойларида жазони ўтаётган, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларнинг жазо турлари озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштирилиб, жазони ўташдан озод этилди.

Масалан, Жиноят кодексининг 167-моддасида кўзда тутилган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти содир этиб, 24 миллион 713 минг 163 сўмлик моддий зарарни қоплагани сабабли 15 нафар шахсга нисбатан судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Сир эмаски, ҳозирги пайтда жиноий жазо турларидан бири бўлган ўлим жазосини қўллаш масаласи бутун дунёда кенг муҳокама қилинмоқда. Айрим давлатларда бу жиноий жазо тури сифатида сақланиб қолган бўлса, бошқаларида чиқариб ташланган ёки бу жазо турига мораторий эълон қилинган. Мамлакатимизда ҳам мазкур жазони қўлланилиши мумкин бўлган жиноий жавобгарликлар сони юқорида таъкидланган қонун қабул қилиниши муносабати билан анча камайтирилди. 1995 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киртилган Жиноят кодексида ушбу жазо тури ўн учта жиноят санкциясида назарда тутилган бўлиб, эндиликда у қатор моддалардан чиқарилиб, 2 та жиноят бўйича, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларида қолдирилди. Шунингдек, қонунчилигимизга киритилган ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар асосида мазкур жазо вояга етмаганлар ҳамда аёллар билан биргаликда эндиликда 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан ҳам қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга озодликдан маҳрум қилиш тариқасида тайинланадиган жазонинг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

*(Давоми учинчи бетда)*

Istiqlol yoshlari

## БУЮК КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Бунинг амалий натижаси ўлароқ юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу дастур ва қонун асосида таълим-тарбия соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, таълим-тарбия дастурлари жаҳон андозаларига мос тарзда янгиланди, тизимга янги замонавий таълим технологиялари жорий этилди. Олий ўқув юртлари таълим тизимида бакалавриатура ва магистратура даражасида ихтисослашган фундаментал билим бериш механизми йўлга қўйилди. Жорий йилда биргина Тошкент Давлат юридик институтида 144 нафар ёшлар ҳуқуқшунослик магистри дипломига эга бўлишди. Тенгдошларим келгусида мамлакатимиз қонунчилик тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш борасида ўз салоҳиятларини намоён этиши шубҳасиз. Чунки мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши ва имкониятларни амалда кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳозирда кўплаб ёшлар дунёдаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида муваффақиятли фаолият юритишмоқда. Умуман айтганда, юртимиз ёшлари барча соҳаларда салмоқли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бунга мисол тариқасида яқиндагина шахмат бўйича жаҳон чемпионлигига сазовар бўлган юртдошимиз Рустам Қосимжоновни келтириш мумкин. Чунки у том маънода ўзбекистонлик ёшларнинг тимсолидир.***



***Тарихга назар солсак, аждодларимиз жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қўшганига гувоҳ бўламиз. Халқимизда "оққан дарё оқаверади" деган ҳикматли нақл бор. Буюк боболаримиз руҳи ва салоҳияти бугун тенгдошларим қонида оқаётганига шубҳа йўқ. Зеро, биз дунё цивилизацияси бешигини тебратган улуғ инсонларнинг ворисларимиз. Уларга муносиб равишда буюк келажак эгалари бўлиш биз ёшларнинг олдида турган муқаддас бурч ва вазифасидир. Кўп сонли тенгдошларим номидан шуни тўлиқ ишонч билан айтаманки, бор билим ва салоҳиятимизни ватанимизнинг равнақи учун сафарбар этамиз. Устозларимиздан олган билимларимизни амалиётга тадбиқ этиб, халқимиз ишончини оқлаймиз.***

Олимжон УСМОНОВ,
ТДЮИ магистратураси битирувчиси

*Мамлакатимизда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асослар яратилганига қарамай, ҳамон фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга масъул баъзи идоралар ва мансабдор шахслар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Буни қуйидаги мисол ҳам яққол тасдиқлайди.*

Qonun ko`magi

## БОҒ ЯНА ГУРКИРАЙДИ

Ғиждувон туман ҳокимининг 1995 йил 2 июндаги 293-сонли қарорига асосан "Оқ олтин" ширкат хўжалиги ҳудудидан фуқаро Обло Тошевга 2 гектар ер майдони ажратилиб, "Рўзиқулбобо" деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилди. Хўжалик тегишли тартибда давлат рўйхатига олинди. Юридик шахс мақомини олгач, банкда ҳисобкитоб варақасини очди. Номи ёзилган муҳрга эга бўлди.

Туман ҳокимининг 1996 йил 18 июндаги 397-сонли қарори билан Обло Тошовга 9-бригада ҳудудидан боғдорчилик билан шуғулланиш учун 2 гектар ер майдони ажратилган.

— Туман ер тизими ва ердан фойдаланиш назорат инспекцияси далолатномасига асосан менга дахлдор ер майдони 677-контурдан ўлчаб, схема қилиб топширилди, — дейди Обло Тошев. — Ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаб, 300 туп мевали кўчат экдим. Қисқа муддатда киши ҳаваси келадиган боғ барпо этдим. Ширкат хўжалиги билан шартнома тузиб, мевали дарахтлар орасига пахта экиб, режани бажардим. Бироқ шартнома шартларини бажаришга келганда, ширкат хўжалиги мутасаддилари ғирромлик йўлига ўтиб олишди. Натижада 5 миллион сўм моддий зарар кўрдим. Бу ҳам етмагандай ширкат хўжалиги раҳбариятининг ёлғон, сохта ва қалбаки маълумотларига асосан туман ҳокими 1998 йил 31 декабр кунидаги 1022-сонли қарори билан хўжалигимизнинг фаолияти қониқарсиз баҳоланиб, ер ширкат хўжалигига қайтариладиган бўлди. Мен тегишли идораларга мурожаат қилгач, қонун талаблари доирасида ишни давом эттирадиган бўлдим. Лекин туман ҳокимлиги орадан шунча йиллар ўтиб кетганлигига қарамасдан якка деҳқон-фермер хўжалигини фермер хўжалиги сифатида қайта расмийлаштиришни пайсалга солиб келяпти.

Дарҳақиқат, Обло Тошев ер майдонидан унумли фойдаланиб, парваришни маромига етказиб, солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб борган. Ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаш учун давлат идораларига қатнаш, овора-ю сарсон бўлгани учун фермерлик фаолиятигагина эмас, соғлиғига ҳам путур етказган.

Деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат этиб, туман ҳокимлигига "Рўзиқулбобо" деҳқон-фермер хўжалигини қайта расмийлаштириш ваколатини юклатишни ва "Оқ олтин" ширкат хўжалигидан унга етказилган 7 миллион сўм моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Обло Тошевнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Жавобгар — Ғиждувон туман ҳокимлигига "Рўзиқулбобо" якка тартибдаги деҳқон-фермер хўжалигини боғдорчилик фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатга олиш мажбурияти юклатилган. Даъвогарга ширкат хўжалигидан моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар билан давлат божини тўлаган ҳолда янгидан даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилган. Бироқ суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингач, туман ҳокимлиги кассация шикояти ёзган. Шикоятда қайд этилишича, туманда фаолият кўрсатган мева, узумчилик билан шуғулланаётган деҳқон хўжаликлари уюшмаларининг фаолияти қониқарсиз аҳволда бўлгани боис уларга тегишли ер майдонлари ширкат хўжаликларига қайтарилган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Huquqiy ma`rifat

## СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

### У МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРДА ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

Фуқаролик ишларини мазмунан кўриш ва ҳал этиш юзасидан суднинг фаолияти ҳал қилув қарорларининг чиқарилиши билан якунланади. Суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг шахсий ҳуқуқ ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳужжатидир. Бу эса судларга ҳал қилув қарорларини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва этибор билан ёндашиш мажбуриятини юклайди.

Қонунчиликда ҳам ҳар бир иш бўйича суд ҳал қилув қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги қайд этилган. (ФПКнинг 18-моддаси).

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судлар томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорлари ФПКнинг 203-207-моддалари талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Меҳнатга оид ишлар бўйича чиқариладиган суд ҳал қилув қарорларининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, уни чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, прокурор, агар иш очиқ ёки ёпиқ суд мажлисида кўриладиган бўлса, бу ҳақдаги маълумот, кўрилаётган ишнинг номи, қандай корхона, ташкилот ва муассаса томонидан даъво берилгани (тўлиқ номи билан), агар даъво прокурор ёки бўйсунув тартибидан юқори турувчи иш берувчи томонидан берилган бўлса, қайси юридик шахс манфаати кўзлангани, даъво аризада кўрсатилган ёки суд томонидан жалб этилган барча жавобгарлар (фамилия, исми ва шарифи кўрсатилган ҳолда), даъвосининг маблағ миқдори кўрсатилиши керак.

Суд ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида, агар низо меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда кўрилса, низонинг бу идораларда кўрилиши натижалари кўрсатилиши, агар корхонада бундай идоралар бўлмаса, уларнинг йўқлиги қарорда акс эттирилади. Агар иш ФПКнинг 259-моддасига биноан мансабдор шахс жалб қилиниб кўрилган бўлса, бу тўғрида қарорнинг барча қисмларида ёзилиши лозим. Жумладан, қарорнинг баён қилиш қисмида унинг берган тушунтиришлари қисқача ифодаланиши, асослаш қисмида суднинг қандай хулосаларга келгани, қарор қисмида эса унинг корхонага тўлаши лозим бўлган зарар ҳақининг миқдори аниқ белгилаб кўрсатилиши шарт.

Меҳнатга оид ишлар бўйича етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида иш берувчининг талаблари, даъвони нималар билан асослаётгани, даъвогарнинг фикрича, жавобгар ёки бир неча жавобгарлардан ҳар бири қанча миқдорда зарарни тўлаши; даъвогар томонидан етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги Меҳнат кодексининг 270-моддасида кўрсатилган судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган бўлса, қандай асосларга кўра, унинг тикланишини сўраётгани кўрсатилади.

Агар суд томонидан даъво аризада кўрсатилмаган шахслар жавобгар ёки шерик жавобгар сифатида процессга жалб этилган бўлса, улар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг ҳар бир жавобгарнинг ўзига нисбатан билдирилган даъво талабларига бўлган муносабатлари, даъвога тўлиқ ёки қисман ва қанча миқдорда иқрорлиги, унинг даъвога бўлган эътирози нима билан изоҳланиши, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда ходимлар томонидан иш берувчига нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Хусусан, ушбу қисмда ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ходимларнинг моддий жавобгарлигини келтириб чиқарувчи асос ва шарт-шароит, иш берувчига етказилган ҳақиқий зарар миқдори, зарар ва унинг миқдори нималар билан асосланаётгани, жавобгарнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нима билан ифодаланиши, унинг ҳақиқий зарар билан миқдор ўртасидаги сабабий боғланиш, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суднинг муайян далилни рад қилишда асосланган хулосалари, жавобгар ёки жавобгарлар учун моддий жавобгарликнинг қайси тури (тўлиқ ёки қисман) қўлланилиши, мазкур жавобгарлик қайси қонунларда ўз аксини топгани, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрлари кўрсатилиши лозим.

*(Давоми учинчи бетда)*

***Жорий йилнинг 24 июн куни Адлия вазирлигининг Ҳайъат мажлисида вазирликнинг масъул ходимлари томонидан Жиззах вилоятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси, чет эл инвестицияси ва инвесторлар иштирокидаги корхоналарни ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда шартнома мажбуриятлари бажарилиши аҳволини ўрганиш бўйича ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинган эди.***

***Қуйида муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган Адлия вазирининг буйруғи чоп этилмоқда.***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**2004 йил 5 июл** *117-ум*-**сон** **Тошкент шаҳри**

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил май ойида Жиззах вилоятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан ўтказилган ўрганиш жараёнида мансабдор шахслар томонидан 21513 та қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

2000-2003 йилларда вазирлик томонидан Жиззах вилоятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилиб, вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритилган бўлсада, тақдимнома ижросини таъминлаш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишда қатъиятсизликка йўл қўйилиб, қонунбузилишларни такроран содир этилишига шароит яратилган.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги Рўйхатга олиш инспекциялари ва у билан боғлиқ идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорининг ижроси етарли таъминланмаганлиги оқибатида, тадбиркорларни рўйхатга олишда белгиланган муддатларнинг ва "бир йўла" принципининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Солиқ идораларида ортиқча ҳужжатлар олиб қайта ҳисобга қўйиш ва ҳисоботлар қабул қилиш амалиёти, ноқонуний инкасса топшириқномалари билан маблағ ундириш, қонунчиликда белгиланган имтиёзларни қўлламаслик каби қонунбузилиш ҳолатлари ошган.

Жиззах вилоятида тадбиркорларнинг ўз мол-мулкидан фойдаланишида турли сунъий тўсиқлар мавжуд. Айрим тадбиркорлар ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини тасарруф этишда, иш ҳақи ва бошқа тўловлар учун нақд пул олишда тўсқинликларга учраяптилар.

Бундан ташқари, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бузиш ҳолатлари камаймаган. Шартнома интизомига зарур даражада риоя этилмаяпти. Натижада ўрганишлар давомида бу соҳалардаги шартномаларнинг тузилишида 3361 та, уларнинг бажарилишида эса 3054 та қонунбузилишлар аниқланди.

Вилоятда мавжуд бўлган юқоридаги каби ҳолатлар тадбиркорликнинг ривожланишига ва уларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқ бўлиб турибди.

Бошқарма ўз фаолиятини ўтказилган сўров ва ўрганишлар натижасидан, вилоятдаги ҳақиқий аҳволдан келиб чиқмасдан режалаштирганлиги сабабли тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасидаги ишлар суст амалга оширилган.

Бошқарма томонидан жойларда қонун ижросини текширишда идоралардаги аҳвол батафсил ўрганилмаган. Натижада адлия бошқармаси вилоятдаги ҳақиқий ҳолатдан бехабар қолмоқда.

*(Давоми иккинчи бетда)*

# ҚЎШТИРНОҚ ИЧИДАГИ ТАНЛОВ

## ТАДБИРКОРНИНГ ОВОРАГАРЧИЛИГИГА САБАБ БЎЛДИ

***Шу денг, тўққиз йилдан буён тинчгина ишлаб юрган Азизхон Нарзуллаевнинг кутилмаганда тинчи бузилди. Аслини айтганда, у раҳбарлик қилаётган "Ором" хусусий корхонаси яхши фаолият юритаётган эди. Корхона Низомида кўзда тутилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, шунингдек, паррандачилик ва балиқчилик ишлари ҳам нолийдиган даражада эмасди. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандай...***

Қисқаси, Окдарё туман ҳокимининг 2003 йил 24 ноябрдаги 518-сонли қарори билан тумандаги ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси тузилади. Мазкур комиссия 2003 йилнинг 13 декабрида тумандаги "Қаҳрамон" ширкат хўжалигида "тендер" танлови ўтказади. Албатта, бу танлов адолатли ва холис ўтказилганда эди, А.Нарзуллаевнинг тинчи бузилмасди...

Энди буёғини сўрасангиз, "Ором" хусусий корхонаси туман ҳокимининг 675-сонли қарори билан 1994 йилда ташкил этилган. У чорвачилик билан шуғулланар, паррандачилик ва балиқчилик ҳам хусусий корхонага даромад келтираётганди. Пахта, ғалла, пиллачилик ҳам фаолиятидан ўрин олганди. Хусусий корхона собиқ "Қаҳрамон" жамоа хўжалиги бошқарувининг 1994 йил 10 ноябрдаги 16-сонли қарори ва 1995 йил 3 мартдаги ижара шартномасига асосан уч ярим гектар суғориладиган ва уч ярим гектар ташландиқ ҳовуз — жами етти гектар ер майдонини ижарага олиб фаолият юритаётганди.

Ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича танлов бўлишини эшитган Азизхон ҳам қараб ўтирмади. У қайта ташкил этиш комиссиясига ижарага олиб ишлаб келаётган майдонда фермер хўжалиги ташкил этиш учун даъвогар сифатида танловда қатнашишини билдирди. Бироқ комиссия А.Нарзуллаевга бу ҳақда ариза бермагани, тегишли ҳужжатлар тақдим этмаганини важ қилиб, танловда қатнашишни рад этди.

Шундай қилиб, ширкат хўжалигида 2003 йилнинг 13 декабрида танлов ўтказилади. Хусусий корхона аъзолари ижарага олиб ишлаб келган ер фуқаро Г.Мамадиёрова номига танловда ғолиб чиққанлиги туфайли расмийлаштирилади.

Шундан сўнг Азизхон Нарзуллаевнинг юқори идораларга мурожаат қилишдан бошқа иложи қолмаган эди. У Самарқанд вилояти адлия бошқармасига танловни ўтказишда қонун талаблари бузилганлигини маълум қилиб, ариза берди. Тадбиркор мурожаати ўрганилганда, у тасдиқланди.

Энг қизиғи шундаки, "Ором" хусусий корхонаси даъво қилаётган ер майдонига эга чиққан Г.Мамадиёрова ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Н.Қаршиевнинг келини экан. Албатта, раиснинг келини танловда қатнашмайди, деган тартиб йўқ. Марҳамат, ариза ва бошқа ҳужжатларни комиссияга тақдим этиб, қатнашсин. Лекин Г.Мамадиёрова танловда шахсан иштирок этмаган. Унинг ўрнига раис Н.Қаршиевнинг ўзи қатнашган. Ўрганиш чоғида ширкат хўжалиги ер тузувчиси, комиссия аъзоси Ғ.Мардиев ҳамда танловда иштирок этган И.Исломов, И.Ғиёсов ва С.Саидвоққосовлар қонунга зид бу кўзбўямачиликни тасдиқлади.

— Ширкат хўжалиги раиси менга сен ҳам комиссия аъзосисан, танлов қонуний, яхши ўтди, деб танлов комиссияси баённомасига қўл қўйдириб олди, — дейди ширкат бош муҳандиси А.Хўжақулов. — Танловга таклиф қилинмаганман, қатнашмаганман, комиссия аъзоси эканимни Н.Қаршиев айтгандан кейингина билдим...

Хўш, бунга нима дейсиз? Бу қонунни кўр-кўрона оёқости қилишми ёки тендер танловининг антиқа усули?

Шу ўринда яна бир нарсани битта нарсани айтиш жоиз. У ҳам бўлса, танлов икки босқичда ўтказилиши шарт. Аммо у бу ерда бир босқичда ўтказилган. Бу тарафдан ҳам қонун талаби қўпол тарзда бузилган.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси туман ҳокими Ш.Неъматов номига аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш хусусида.тақдимнома киритди. Яқинда тақдимнома юзасидан расмий жавоб келди. Унда ёзилишича, 2003 йил 13 декабр куни собиқ "Қаҳрамон" ширкат хўжалигида ўтказилган танлов юзасидан қайта ташкил этиш комиссиясининг хулосаси бекор қилинган. Келгуси август ойида қайта танлов ўтказилади.

Ўйлаймизки, бу галги тендер танлови ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайди.

**Пирмамат БОБОМУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ajab savdolar

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**2004 йил 5 июл** *117-ум*-**сон** **Тошкент шаҳри**

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Жумладан, вазирлик ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишларда ҳокимият, солиқ идоралари, банк муассасаларида кўплаб қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган бўлсада, бошқарма томонидан ўтказилган ўрганишларда тадбиркорлик субъектларининг маблағларини турли мақсадларга ноқонуний жалб қилиш 2 та ҳолатда аниқланган, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишда, уларнинг коммуникация тармоқларига уланиши ва турли лицензия ҳамда бошқа рухсатномаларни олишида эса умуман қонунбузарликлар аниқланмаган.

Бошқарманинг аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни қонуний жавобгарликка тортилишини таъминлаш борасидаги амалиёти ҳам талаб даражасида эмас. Ишчи гуруҳи томонидан 2004 йилда аниқланган қонунбузилишларнинг аксарият қисми банк ва солиқ идораларига тўғри келсада, бошқарма томонидан 2004 йилда банк муассасаларига нисбатан атиги 1 та ва солиқ идораларига нисбатан 2 та даъво аризаси киритилган холос.

Аниқланган қонунбузилишлар бўйича юқоридаги идораларга тақдимномалар киритиш ва қонунбузилишлар содир этилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи ҳам лозим даражада эмас.

Масалан, бошқарма томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 2004 йил 30 март куни ДТ "Халқ банки"нинг вилоят бўлимига киритилган тақдимномага жавоб берилмаган бўлсада, бошқарма томонидан мазкур ҳолатга нисбатан қонуний чоралар кўрилмаган.

Вилоятдаги фермер хўжаликларининг аксариятига 2003 йилда етиштирган ғалла ҳосилининг пули 2004 йилнинг апрел ойларига келиб тўланган, айримларига эса мазкур пул маблағлари ўрганиш кунига қадар ҳам тўлаб берилмаганлигига қарамасдан бошқарма томонидан "Ўздонмаҳсулотлари" корпорацияси тизимига кирувчи корхоналарга нисбатан бирорта ҳам даъво аризалари киритилмаган.

Худди шундай вилоятдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга бир қанча ҳолатларда нефт маҳсулотлари етказиб берилмаганлиги ҳолатлари аниқланган бўлсада, ўрганиш кунига қадар мазкур ҳолатлар юзасидан бирорта даъво аризаси киритилмаган.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан "Нефт маҳсулотлари" компанияси тизимидаги корхоналарга 1 та ва "Ўзқишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятлари тизимига кирувчи ташкилотларга 2 та тақдимнома киритилган, холос.

Бошқарма томонидан Жамоат бирлашмалари ҳамда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг устав ҳамда таъсис ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланмаган бўлсада, уларнинг рўйхатдан ўтказилишига йўл қўйилган.

Вилоятдаги аксарият нотариуслар томонидан кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаларини расмийлаштирилишида реестр китобига имзолар тегишли тартибда қўйилмаган. Шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида талаб қилиниши лозим бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Вилоятда айрим ФҲДЁ бўлимларида оталикни белгилаш бўйича оталик расмийлаштирилганидан кейин тегишли ФҲДЁ архивига ўзгартириш киритилганлиги ҳақида хабарномалар юбормаганлиги, фуқароларнинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришида белгиланган муддатларга риоя этилмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Департаментнинг Жиззах вилоят ҳудудий бўлими томонидан туман(шаҳар) суд ижрочилари бўлинмаларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш билан боғлиқ фаолияти устидан назорат сусайтириб юборилганлиги натижасида, 2004 йил 1-чораги якунида Республика буйича жами ундирувлар 74,7 фоизга амалга оширилган бўлса, Жиззах вилоятида бу кўрсаткич 42,7 фоизни ташкил этган, холос.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ундирувларни амалга ошириш Республика бўйича 79,4 фоизни ташкил этган бўлса, Жиззах вилоятида бу кўрсаткич 41,5 фоизни ташкил этган.

Юқоридагиларга асосан, Жиззах вилояти адлия идоралари фаолиятини самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2004 йил 24 июндаги Адлия вазирлигининг ҳайъат қарорини ижро этиш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда бу борада адлия бошқармасининг ҳақиқий вазиятга таъсир чоралари қониқарли эмас деб ҳисоблансин.

2. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан белгиланган рўйхатдан ўтказишнинг "бир йўла" принципига амал қилиниши қаттиқ назоратга олинсин..

3. Солиқ идораларида ҳисобга қўйишда белгиланган муддатларни бузиш, ноқонуний инкасса топшириқномалари билан маблағ ундириш каби қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўрилсин, аниқланган қонунбузилишлар бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминлансин.

4. Тижорат банкларида тадбиркорларни ўз маблағларидан эркин фойдаланишида, кредит ажратишда, ҳисоб рақамидан пул кўчиришда муаммолар ва сунъий тўсиқларга учраётганлиги, уларнинг иқтисодий эркинлигига путур етказувчи ҳолатлар ўтган йилларга нисбатан ошганлиги банкларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилинсин ва бу соҳадаги қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан қатъий таъсир чоралари кўрилсин.

5. Тадбиркорларнинг маблағини ноқонуний жалб қилиш уларнинг конституцион ҳуқуқи - мулк дахлсизлигига тажовуз қилишга қаратилган ҳаракат деб баҳолансин. Ҳокимларнинг бу ҳақдаги ноқонуний хат ва қарорлари бекор қилиниб, жалб қилинган маблағлар тадбиркорларга қайтариб берилиши таъминлансин ва айбдор мансабдор шахсларга жиноий жавобгарликкача бўлган чоралар кўрилсин.

6.Бошқарма томонидан рўйхатга олиш инспекцияси, давлат солиқ идоралари, тижорат банклари ҳамда назорат қилувчи органларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари содир этилаётган қонунбузилишларга мос эмас деб баҳолансин. Айбдор мансабдор шахсларнинг жазосиз қолаётганлиги учун адлия бошқармаси бошлиғи шахсан масъул эканлиги таъкидлансин.

Ушбу соҳалар бўйича назоратни сусайтирилганлиги учун бошқарманинг бўлим бошлиғи **(А.Абдураимов)**-га тегишли чора кўрилсин.

7.Бошқарманинг шартномавий ҳуқуқий муносабатлар бўйича олиб бораётган ишларини янада жонлантириб, асосий эътибор фермер хўжаликларига етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб берилишига, уларга минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотларининг белгиланган муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилишига қаратилсин.

8.Вилоятдаги ҳар бир хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятида юзага келаётган муаммолар мониторинг ўтказиш йўли билан ўрганиб чиқилсин ва ҳар бир корхонанинг "паспорти" юритилсин. Улар фаолиятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилсин.

Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ишламаслик сабаблари аниқланиб, уларнинг фаолиятини тиклаш юзасидан барча зарур чоралар кўрилсин.

9. 2003-2004 йилларда Жиззах вилоятида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ва вилоят хокимига 5 йил давомида киритилган тақдимномаларни таҳлил қилиб, ҳар бир туман (шаҳар)даги идоралар бўйича муттасил равишда қонунларни менсимасдан келаётган, ашаддий қонунбузарларни аниқлаб, уларга тегишли чора кўриш учун вилоят ҳокимига тақдим этилсин.

10. Бошқармага тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши борасида келиб тушган ариза-шикоятларни ўрганиш масаласига жиддий эътибор қаратилсин ҳамда аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қатъий таъсир чоралари қўлланилиши ва уларни келиб чиқишига сабабчи бўлган мутасадди шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик масаласини ҳал этилиши таъминлансин.

11. Фуқароларнинг суд ва тергов идоралари қарорларидан норози бўлиб ёзган мурожаатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, уларнинг қонуний манфаатларига путур етказган қарорларни бекор қилиш, қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар киритиш ишларига алоҳида эътибор қаратилсин.

12. Адлия вазирлигига бир ой муддат ичида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва хорижий инвестиция ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиқлари лавозимига резерв ходимлар рўйхати тақдим этилсин.

13. Вилоятдаги нотариуслар томонидан амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар бўйича ягона амалиётни ташкил этиш мақсадида расмийлаштириладиган ҳужжатларнинг намунавий нусхалари ишлаб чиқилсин ҳамда нотариал идоралар фаолиятига татбиқ этиш чоралари кўрилсин.

14. Департаментнинг Жиззах вилоят ҳудудий бўлими томонидан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмаларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш билан боғлиқ фаолияти устидан назорат сусайтириб юборилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоятдаги туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмаларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш билан боғлиқ фаолиятидаги мавжуд хато-камчиликлар бартараф этилсин ва ижро ҳужжатлари бўйича ундирувларни кучайтириш юзасидан зарур чоралар кўрилсин.

15. Адлия вазирлигининг вилоят ҳокимига киритган тақдимномасида кўрсатилган ҳар бир қонунбузарлик ҳолати алоҳида назоратга олиниб, аниқланган қонунбузарлик тўлиқ бартараф этилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқи тикланганидан ва айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан кейин назоратдан олиниши таъминлансин ва бу тартибга қатъий риоя этилсин.

Жавобгарлик чоралари ноқонуний ҳаракатларнинг характери ва қонунбузарнинг айбига мувофиқ бўлишлиги таъминлансин.

16. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи **(Ҳ.Йўлдошев)** ва Департаментнинг Жиззах вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи **(А.Абдуқодиров)**ларга йил якунигача мазкур буйруқда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни таъминламаса, **эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши ҳақида огоҳлантирилсин.**

17.Мазкур буйруқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия идораларининг бошлиқларига муҳокама қилиш ва ўзларига тегишли хулоса чиқаришлари учун таништирилсин.

18.Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари **И.Абдуллаев** зиммасига юклатилсин.

**Вазир А.ПОЛВОН-ЗОДА**

---

Qonun ko`magi

# БОҒ ЯНА ГУРКИРАЙДИ



***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Деҳқон хўжаликлари 1999 йилдан буён фаолият кўрсатмасдан келаяпти. Ҳисоб рақамларида пул маблағлари ҳам йўқ. Шуларга кўра, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони рад этиш сўралган.

Бироқ фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судлов ҳайъати суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Хўш нега? Қандай асосларга кўра?

**"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонуннинг 5-моддаси, 3-қисмида деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этиши ўз ифодасини топган. Обло Тошевга ширкат хўжалиги ҳудудидаги 677-контурдан 2 гектар ер майдони ажратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июл кунидаги 300-сонли қарорининг 1-иловасида фаолият кўрсатган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошлиқларини аттестациядан ўтказиш тартиби белгиланган. Қарорнинг 7-бандида фақат "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ тузилган деҳқон (фермер) хўжаликлари фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказилиши ўз аксини топган.

Даъвогар Обло Тошев мазкур қоидалар асосида, қонуний равишда 1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб келган. Бунинг устига Ғиждувон тумани ҳокимининг шу йил 20 январ кунидаги 25-сонли хатига қараганда, "Оқ олтин" ширкат хўжалиги ҳудудида "Рўзиқулбобо" деҳқон-фермер хўжалиги 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, туман ҳокимининг қарори билан тугатилмагани эътироф этилади.

Биринчи босқич суди даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантириб, туман ҳокимлигига "Рўзиқулбобо" якка деҳқон-фермер хўжалигини худди шу номдаги боғдорчилик фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатга олиш мажбуриятини юклаш ҳақида тўғри хулосага келган.

Жавобгарнинг кассация шикоятидаги важлари иш ҳолатини ўзгартириш учун асос бўлолмайди. Чунки туман ҳокимлиги 1998 йил 31 декабр кунидаги 1022-сонли қарорида "Рўзиқулбобо" деҳқон-фермер хўжалиги фаолиятини қониқарсиз деб топиб, ер майдонини ширкат хўжалигига қайтариш кўрсатилган. Бироқ деҳқон-фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда суднинг ёки бошқа ваколатли идоранинг қарори билан тугатилмаган. Банкдаги ҳисоб рақами ёпилмаган, муҳр ва штамплари ҳам бекор қилинмаган.

Яна бир асос шундан иборатки, "Оқ олтин" ширкат хўжалиги бошқарувининг 1999 йил 18 мартдаги 7-сонли қарори билан "Рўзиқулбобо" фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказишга розилик берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июл кунидаги 300-сонли қарорига асосан "Рўзиқулбобо" деҳқон-фермер хўжалигини фермер хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш лозим эди. Ҳукуматнинг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори эса юқорида қайд этилган қарордан кейин чиққан бўлиб, фермер хўжаликларига ширкат хўжаликлари ҳисобидаги ер майдонларини ажратиб бериш танлов асосида ўтказилиши назарда тутилган. "Рўзиқулбобо" деҳқон-фермер хўжалигининг ер майдони бўйича ижара ҳақидан қарзи мавжудлиги ҳам ҳал қилув қарорини ўзгартиришга монелик қилмайди. Чунки жавобгар қарзни хўжалик судига даъво ариза билан чиқиб, ундириб олишга ҳақлидир. Даъвогар судлов ҳайъатига ариза тақдим этиб, ширкат хўжалигидан маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвосидан воз кечган.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига устувор аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Келажакда фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий хўжалик субъектига айланиши муқаррар. Шундай экан, фермерларнинг лоқайдлик, бюрократик тўсиқлар ва таъмагирлик ҳолатларига дуч келиши кечирилмас ҳолдир.

**Абдураҳим ҚОДИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

Luqma

***Газетанинг шу йил 1 июндаги 21-сонида Қамаши туманидаги "Темирчи" кичик корхонаси раҳбари Т.Очиловнинг "Суд қарори ижроси билан кучли" сарлавҳали таҳрирсиз мактуби чоп этилган эди. Унда фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2003 йил 14 ноябрдаги 3-139-сонли ажрими ижро этилмаётгани баён этилган эди.***

# СУД ҚАРОРИ... "МАЪЛУМОТНОМА"МИ?

Яқинда ушбу хат юзасидан таҳририятга Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи З.Абраев томонидан жавоб хати келди. Унда айтилишича, суд ажрими ижросини таъминлаш Қамаши тумани ҳокими муовини Э.Хуррамовга юклатилган. Бироқ у бу ишга эътиборсиз қарагани учун суд ижрочиси томонидан унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 15 баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилган.

Бундан ташқари, Қамаши тумани ҳокимининг шу йил 18 май кунидаги Х-373/5-сонли қарорига кўра фуқаро Б.Раҳимов томонидан қурилган савдо дўкони туман ҳокимининг 2000 йил 25 февралдаги Х-75/2-сонли қарори билан қонун талаблари асосида қурилгани ҳамда Б.Раҳимовга тегишли экани эътироф этилган. Шунингдек, Ер кадастри бошқармаси туман бўлими томонидан "Темирчи" кичик корхонаси чегарасини аниқлаш ва паспорт қилиш далолатномаси ҳамда туман ҳокимлигининг 2002 йил 4 апрелдаги ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи 010506-сонли Давлат акти ноқонуний ҳужжатлаштирилгани сабабли бекор қилинган. Ер кадастр бошқармаси туман бўлими бошлиғи А.Худойназаровга бир ой муддат ичида "Темирчи" кичик корхонасига туман ҳокимининг 1995 йилдаги Х-312/10-сонли қарори билан тегишли 117 квадрат метр ер майдонига қайтадан ҳужжатларни расмийлаштириш топширилган. Шу сабабли мазкур масалага тааллуқли ижро иши юритуви тамомланган.

Сиртдан қараганда, муаммо ўз ечимини топгандек туюлади. Лекин шу ўринда киши кўнглида шундай саволлар туғилади: Тоғай Очилов шунча вақт бекорга судлашган ва фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судлов ҳайъати нотўғри ажрим чиқарган экан-да? Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, туман ҳокими қарорида "суд ажрими қарори маълумот учун қабул қилинсин" дейилган. Ҳолбуки, суд қарори бажарилиши мажбурий бўлган олий юридик ҳужжатдир. Чунки у мамлакат ва халқ номидан чиқарилади. **"Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонун талабига биноан суд қарорини бажаришга мажбур бўлган ҳоким нега бундай йўл тутган? Бу суд қарорига нисбатан беписандликми ёки... Умуман, бу ҳолни мутасаддилар қандай изоҳлашар экан?

**Бобомурод РАЙИМОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

Sud islohoti

# ДАЪВОГАР ҲАМ, ЖАВОБГАР ҲАМ РОЗИ



Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш деганларидек, андижонлик Одинахон Раҳимова билан самарқандлик Шуҳратбек Явқашевлар оиласи ўзаро борди-келдини йўлга қўйишди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида Одинахон Самарқандга меҳмондорчиликка борди.

— Сизларни Андижонга олиб кетаман. Меҳмон бўлиб келасизлар, — деди у дилкашлик билан уй эгаларига.

Улар Одинахон етовида Андижонга келишиб, роса меҳмон бўлишди. Беш-тўрт кун шаҳарни мириқиб айланишди, яхши ҳордиқ чиқаришиб, Самарқандга қайтишди.

Улар билан бирга Самарқандга келган Одинахон ниҳоят дилидагини сиртга чиқарди:

— Агар сизлар менга беш миллион сўм берсанглар, сизларга "Тойота" микроавтобус олиб келиб бераман...

— Оҳ, қани эди, — дейишди уй эгалари. Улар Одинахонга ишонишиб, унинг қўлига беш миллион сўм тутқазишди.

Одинахон пулни олиб кетиб, орадан бир оз вақт ўтиб, яна Самарқандга келди.

— У машинанинг мотори ёмон экан, сизларга "Тико" автомашинаси олиб бераман, — деб Явқашевларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Чиндан ҳам, Одинахон "Тико" автомашинасини сотиб олиб, ялло қилиб миниб юраверди, аммо пулни қайтаришни ўйламади.

Тоқати тоқ бўлган Шуҳратбек Явқашев фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судига Одинахон Раҳимовага нисбатан беш миллион сўм қарз ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд мажлисида Одинахон даъвони тан олди, микроавтобус олиб беролмаганини, қарзни эса тўлаш имкони бўлмаганини айтди. Шу билан бирга ана шу беш миллион сўм қарз эвазига ўзининг номидан бўлган "Тико" автомашинасини нотариал идора орқали Шуҳратбек Явқашев номига расмийлаштириб беришга рози эканини ва у билан келишув битими тузишни таклиф қилди.

Шундай қилиб, улар келишув битимини тузишди. Одинахон Раҳимова номида бўлган "Тико" русумли давлат белгиси 17 Г 63 63 бўлган автомашина нотариал идора орқали Шуҳратбек Явқашев номига ўтказилди. Бундан даъвогар ҳам, жавобгар рози бўлди.

**Сойибжон АРАББОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Huquqiy ma`rifat

# СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

## У МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРДА ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Бундан ташқари, агар жавобгарлар ёки жавобгар етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги иш берувчининг талабларини тан олса, ушбу ҳолат суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорида ўз аксини топиши шарт.

Иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 270-моддасида кўрсатилган судга мурожаат қилиш муддати суд томонидан тикланган бўлса, унинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганини тасдиқловчи маълумотлар ҳам кўрсатади. Агар суд ходимнинг зарар етказишдаги айбини ва унинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, зарар миқдорини камайтиришни лозим топса, ҳал қилув қарорида зарар миқдорини камайтиришнинг сабабларини асослаб берилади.

Умумий қоида бўйича, бир неча жавобгар томонидан зарар етказилганида суд уларнинг етказилган зарардаги айб даражасини, моддий жавобгарлик тури ва доирасидан келиб чиқиб, ўз ҳал қилув қарорида уларнинг мажбуриятларини аниқлайди. Лекин агар суднинг ҳукми билан бир неча ходимларнинг ёки ходим ва корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган бошқа шахслар томонидан етказилганлиги кўрсатиб қўйилган бўлса, ҳал қилув қарорида мазкур шахсларнинг биргаликдаги жавобгарлиги кўрсатилиши керак.

Агар ҳукм эълон қилиниб, унда фуқаролик даъвоси кўрилмасдан қолган ёки ҳукмнинг фуқаролик даъвоси бекор қилиниб, ишнинг бу қисми фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида янгидан кўриш учун юборилган бўлса, суд фуқаролик ишларини юритиш тартибида мазкур шахслардан етказилган зарарни биргаликда ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга суд судланувчилар зиммасига, биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган зарар учун умумий эмас, балки алоҳида-алоҳида моддий жавобгарлик юклаши ҳам мумкин. Зарар ундиришнинг мазкур тартиби даъвогарнинг манфаатларига тўғри келса ва зарар ундиришни таъминлашга ёрдам берсагина, йўл қўйилади.

Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўриб ҳал қилиш жараёнида ходимга нисбатан етказилган маънавий зарарни ундириш масаласини ҳал қилаётган судлар маънавий зарар миқдорини белгилашда қандай меъзонларга асосланганлигини ўз ҳал қилув қарорларида кўрсатиб ўтмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Тўғри, иш берувчи томонидан ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш бевосита маънавий зарарни ундиришга асос бўла олади. Лекин маънавий зарарни баҳолашда суд, албатта, ходимнинг қандай маънавий ва жисмоний азоблар чеккани, етказилган азобларнинг оғирлигини тасдиқловчи аниқ ҳолатларни эътиборга олиши ва шунга қараб маънавий зарар миқдорини белгилаши талаб қилинади. Шундай экан, судларнинг маънавий зарар миқдорини белгилашда қандай меъзонларга асосланганлигини ўз ҳал қилув қарорларида кўрсатмасликлари суд ҳал қилув қарорларига қўйилган талабларнинг бузилиши деб баҳоланади ва кейинчалик мазкур қарор устидан апелляция, кассация шикояти бериш ёки прокурор томонидан протест келтириш учун асос бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 219-моддаси ҳамда Меҳнат кодексининг 273-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ходимни ишга тиклаш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзгартириш ҳамда ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги суд чиқарган ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилади. Мазкур туркумга оид бўлган меҳнат низолари юзасидан суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида албатта унинг ижро этиш усули ва тартиби кўрсатиб ўтилиши лозим бўлади.

Шунингдек, меҳнат низоларини кўрувчи идора ходимни ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш билан бир вақтда меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилингани, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилгани ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилгани оқибатида келиб чиққан мажбурий бекор юрган вақти учун ходимнинг фойдасига иш берувчидан иш ҳақи ундириб беради. Ходимнинг фойдасига ундириб берилган иш ҳақининг миқдори, албатта, ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмида ўз аксини аниқ топиши лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, меҳнат қонунчилигида юқоридаги ҳолатлар бўйича ходимнинг пул ундиришга доир талабларини қондиришда чекловлар мавжуд эканлиги эътироф этилади. Хусусан, Меҳнат кодексининг 275-моддаси учинчи қисмида меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганлиги ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилгани оқибатида мажбурий бекор юрган вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи идора томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга қаноатлантирилиши кўрсатилган.

Шунингдек, пул ундиришга доир талаблар суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, албатта, ушбу пул суммаси тегишлича индексация қилиниши лозим. Чунки индексация ходимнинг даромадларини давлат томонидан тартибга солиш усули сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам индексацияга киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Меҳнат кодексининг 275-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

**“Меҳнат низоларини кўрувчи идора ходимнинг пул ундиришга доир талабларини асосли деб топса, ушбу талаблар тўлиқ қаноатлантирилади ва тўловлар тегишлича индексация қилинади”.**

Маълумки, суд ҳал қилув қарорларини чиқариш ва эълон қилиш-суд мажлисининг якунловчи қисми ҳисобланиб, ушбу жараёнда фуқаролик процессининг бевоситалик, оғзакилик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, Фуқаролик процессуал кодексининг 203-моддасида суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлинганидан сўнг дарҳол чиқарилиши ўз ифодасини топган. Лекин процессуал қонун алоҳида ҳолларда жуда мураккаб бўлган ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкинлигини назарда тутади. Аммо суд амалиётида ишни кўрган судьянинг касаллиги, бахтсиз ҳодиса ёки бевақт ўлим натижасида ҳал қилув қарорини тайёрлашнинг муддати бузилиши ҳолатлари юзага келиши мумкин. Қолаверса, суд ҳал қилув қарорлари нусхаларининг тарафларга ўз вақтида берилмаслиги манфаатдор шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнини кечиктиришга олиб келади. Мазкур ҳолатлар суд амалиётида деярли учрамаса-да, лекин назарий ва амалий жиҳатдан содир бўлиши мумкин. Одил судлов ҳужжати бўлмиш суд ҳал қилув қарорлари ижросининг муқаррарлиги тамойилидан келиб чиқиб, ҳар бир манфаатдор шахсга уларнинг фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш кафолатланиши лозим.

**Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,**
**Давлатжон ҲАБИБУЛЛАЕВ**

# БОШ МАҚСАД – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Айниқса, вояга етмаганларга, хотин-қизлар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан алоҳида инсонпарварлик муносабати намоён қилинди. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо қўлланилмайди. Бу ҳолат вояга етмаган ёшда жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялаш учун тўлиқ имконият яратади.

Бунга мисол қилиб вояга етмаган, аммо ўзгалар таъсирида жиноят кўчасига кирган Али Мейликовни кўрсатиш мумкин. У муқаддам судланган М.Полвонов ҳамда С.Қораевлар билан ўзаро жиноий тил бириктирган. Улар фуқаро А.Нахановни зўравонлик билан қўрқитиб, унинг 10.000 сўм пулини тортиб олишган. Суд судланувчи М.Полвоновни қаттиқ тартибли, С.Қораевни эса умумий тартибли колонияда жазони ўташга ҳукм қилди. А.Мейликовнинг вояга етмаганини ҳисобга олиб, унга бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Илгари мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо сифатида қўлланилиб келинган эди. Бундай ҳолда маҳкумнинг оила аъзолари ва болалари моддий жиҳатдан жабр кўришарди. Мазкур қонунчилик амалга киритилгандан сўнг бу борада том маънода ҳуқуқий адолат ўрнатилиб, **“мол-мулкни мусодара этиш” жазоси Жиноят кодексининг жазо тизимидан чиқариб ташланди.**

Жиноят кодекси **“Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш”** деб номланувчи янги 66-прим моддаси билан тўлдирилди. Ушбу моддада кўрсатилган 26 та жиноятлар биринчи марта содир этилган бўлса, жабрланувчи билан айбдор ярашса ва етказилган зарар қопланса, шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади. Қонунда ярашув қўлланилиши мумкин бўлган шартлар аниқ белгилаб қўйилган. Бунинг учун шахс биринчи марта жиноят содир қилган, айбига иқрор бўлиб, етказилган зарарни қоплаган, жабрланувчи билан ярашган ва жабрланувчи бу ҳақда ёзма ариза берган бўлиши шарт.

Ярашув тўғрисида ишларнинг бу тарзда юритилиши иш кўриш процессини тезлаштирди ҳамда соддалаштирди. Амалиётда бу институтнинг қўлланилиши халқимизнинг табиати, ўзаро муроса, кечиримлилик фазилатларидан келиб чиққан бўлиб, анъаналаримиз ҳамда меросимизни янада асраб-авайлаш имконини берди.

Суд амалиётида илгари шу туркумдаги жиноятни содир қилган эр ёки хотин, қўни-қўшнилар ёхуд яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги ишлар кўрилганда, жиноятни содир қилган шахслар етказган зарарни қопласа, ўзаро бир-бирини кечириб ярашиб кетса ҳам айбдорларга тегишли жиноий жазолар тайинланарди. Оқибатда низо туфайли ўша оила ёки қариндош-уруғ ўртасига совуқчилик тушар, бир-биридан ажрашиши ёхуд ўзаро муносабатларининг бузилишига сабаб бўларди. Ярашув институтининг қонунчилигимизда жорий қилиниши халқимизнинг ўзлигини англашига том маънода ёрдам берган омиллардан бири бўлди.

Масалан, фуқаро Ж.Хўжанов қўшниси К.Эшбадалов билан ўзаро жанжаллашиб, унга соғлиғига ўртача оғир шикаст етказиб, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган. Суд ишни кўришда шу кодексининг 66-прим моддаси талабига асосан Ж.Хўжановнинг айбига иқрорлиги, жабрланувчи билан ярашиб кетгани сабабли ишни ҳаракатдан тугатган. Шунингдек,З.Қиличева турмуш ўртоғи Э.Бозоров билан ўзаро жанжаллашиб қолиши натижасида унинг ҳаёти учун хавфли бўлмаган, ўртача оғир шикаст етказган. Суд мажлисида жабрланувчи Э.Бозоров турмуш ўртоғи билан ўзаро ярашганини билдириб, ариза тақдим қилган. З.Қиличева ҳам айбига иқрор ва пушаймонлигини билдириб, суддан яраштиришни сўраган. Мазкур жиноят иши Қарши шаҳар суди томонидан ЖК 66-прим моддасида кўрсатилган барча асослар мавжуд бўлганлиги сабабли тугатилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Умуман айтганда, вилоят миқёсида қонун амалга киритилган 2001 йил 18 октябрдан жорий йилнинг 1 июлигача 1667 нафар шахс томонлар ўзаро ярашгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Бу эса жиноий жазоларни либераллаштиришнинг самарадорлигини кўрсатди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **жиноятларни олдини олиш, унга қарши курашнинг самарадорлиги жазони оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки жиноятни содир этган шахснинг жазони муқаррарлигини англашига боғлиқдир.**

**Қўчқор ТОҒАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Қашқадарё вилоят**
**суди раиси**



*Сўлим масканлар*

Jinoyatga jazo muqarrar

# ҚИСМАТ ЎЙИНИ

## СУД ОЧЕРКИ

***Ҳар бир йигит вояга етгач, табиийки, ота-онанинг суянчиғи, оиланинг мустаҳкам таянчига айланади. Бироқ Абдулла Жўрабоев бунинг батамом акси бўлиб чиқди. У вояга етиб, билаги куч-қувватга тўлса-да, бирон-бир касб-корнинг этагини тутай демади, саёқ, дайдиб юришни, ўзгалар кўнглига озор етказишни ўзига касб қилди.***

Ана шундай бетайин ҳаёт таъсирида у 2003 йилнинг 25 март куни жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман суди томонидан судланди, Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши бўйича жазога тортилди.

Албатта, инсон ҳаётда адашиши, хатога йўл қўйиши мумкин. Бироқ ҳамма гап бу хатоликлардан тўғри хулоса чиқаришга боғлиқ. Абдулланинг ўрнида бошқа йигит бўлганида, суднинг ҳукмидан тўғри хулоса чиқарган, ҳаётда ўзини ўнглаб олган ва энг асосийси, ёлғиз онасининг оғирини енгил қилган, 4 нафар синглисининг кўнглини ўкситмай оиланинг кемтигини тўлдирган, умуман айтганда, рўзғорга бош бўларди. Аммо Абдулла буларнинг барига қўл силтаб, ҳафсаласиз қаради, ўз ҳаёт йўли, йўл қўяётган хатоликлари ҳақида чуқурроқ ўйлашни хаёлига ҳам келтирмади. Донишмандлар ҳам айтишганки, энг аввало, инсоннинг ўзи ўз ҳаёти ҳақида қайғуриши лозим.

Абдулла ана шу ҳаёт ҳақиқатини унутиб қўйди. Шундан сўнг унинг боши хатодан чиқмай қолди. Қисқаси, у ҳарбий хизматдан қайтгач, бирон-бир тайинли ишнинг бошини тутмади. Ёлғиз онанинг қаватига кириш, оғирини енгил қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Бунинг ўрнига кўча-кўйда беҳуда санқиб юришни одат қилди.

— Кечагина ҳарбий хизматдан қайтди, – дея ўзини ўзи юпатарди она, — майли, бир-икки кун дўстлари билан ўйнасин. Ёшлик даври бир зумда ўтади-кетади. Бошини иккита қилиб қўйсак, ўз-ўзидан қуйилиб қолади...

Бу онаизорнинг некбин умиди эди. Ана шу омонатгина орзу унинг синиқ кўнглига таскин-тасалли бериб турарди.

Аммо ўғил ўз билганидан қолмади. У онаси кутганидек, қуйилиш, ақл-ҳушини йиғиб олиш ўрнига тобора суйилиб бораверди. Шу боис ҳам, нафақат онаизор, балки оиладаги 4 нафар қизнинг ҳам одамлар олдида юзи шувут бўлиб қолди.

— Жон, ўғлим, қадамингни тўғри бос, — дея она зорланиб насиҳат қилди. — Ҳали уйланмаган йигитга бундай сандироқлаб юриш уят бўлади. Қишлоқда бош кўтаролмай қолдик. Ҳамманинг оғзида сенинг номинг...

— Ким гапиряпти?! — деди Абдулла ўдағайлаганча. — Ҳаммаси ёлғон гап. Мен ҳеч қандай аёл билан илакишиб юрганим йўқ...

У фақат шу билан чекланмай онасига зарда қилди, пиёладаги чойни жаҳл билан остонага сепиб юборди. Сўнг дастурхонга фотиҳа қилмай кўчага чиқиб кетди. Эрталабки нонуштадан файз кўтарилди. Онанинг кўнгли қоронғи тортиб, кўзларида ғилт-ғилт ёш айланди. Яхшиямки, бахтига қизлари бор экан. Тўрт тарафдан тўрт қиз аёлнинг синиқ кўнглига далда бўлди.

— Хафа бўлманг, ойижон! Акамнинг бир кун ақли кириб қолади.

О, қизлар! Уларнинг масъум қалби эзгулик билан тўлиб турар, эрта бир кун акаларининг ҳаёти изга тушиб кетишига қаттиқ ишонар эди. Бироқ улар кўнгиллари тўрида ардоқлаган акалари худо қарғаган бир кун ўз умрига зомин бўлишини хаёлларига ҳам келтирмасди... Она эса ёлғиз ўғлининг камолини тезроқ кўришга ошиқарди. Ўғлига тагли-тугли жойлардан попукдек келин туширишни, қўша-қўша набиралар, қўша-қўша тўйлар кўришни орзу қиларди. Шўрлик ана шу орзу-умиди йўлида кечани-кеча, кундузни-кундуз, иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай бир ўзи аёл боши билан меҳнат қилди. Қалбини эркалаган орзу-ҳавасининг ушалишига бир қадам қолди, холос...

Шундай кунларнинг бирида Ҳуринисо опа ўйлай-ўйлай акаукаларига маслаҳат солди:

— Бошим қотиб қолди, Абдулланинг юриш-туриши жуда бежо. Қандайдир бир суюқоёқ хотинга илакишиб қолган...

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Jahon tajribasi

# ЁРДАМ ВА КАФОЛАТ ТИЗИМИ

Суғурта инсон ҳаёти ва фаолиятини кафолатлаш борасида алоҳида мавкега эга бўлган ҳуқуқий институти саналади. Ҳозирда ривожланган давлатлар аҳолиси йиллик даромадининг 30 фоизини турли хил суғурта полисларини сотиб олишга сарфлайди. Қонунчиликда суғуртага юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа юз берганда, ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муносабат деб таъриф берилган. Инсон фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва кўплаб такомил босқичларини босиб ўтган ушбу институтнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи узоқ бўлиши билан бир қаторда жуда ҳам қизиқарлидир. Юридик адабиётларда XVIII асрда лондонлик Эдвард Ллойднинг қаҳвахонасида савдогарларнинг махсус пул жамғармасини ташкил этиш ва айнан шу жамғарма ҳисобидан зарар кўрган савдогарларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги келишувлари ҳозирги суғурта тизимини юзага келтирган дейилади. Аслида суғурталовчилар вазифасини бажарувчи илк ташкилотлар эрамизнинг X асрида пайдо бўлган ва улар англо-саксон гильдияларини (иттифоқлари) ташкил этган. Ушбу иттифоқ иштирокчиларининг моли нобуд бўлган тақдирда махсус ҳосил қилинган жамғармалар ҳисобидан улар кўрган зарар қопланган. XII асрда Ўрта ер денгизи атрофида жойлашган давлатлар ўртасида денгиз орқали савдо алоқаларининг пайдо бўлиши суғурта хизматларини янада такомиллаштирган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, суғуртанинг илк шакллари ва унга хос муносабат қадимги Бобил давлатида ҳам мавжуд бўлган ва улар Хаммурапи қонунлари билан тартибга солинган. Илк суғурта муносабатларига милоддан 8000 йил аввал, яъни айирбошлаш учун мўлжалланган маҳсулотнинг пайдо бўлиши билан асос солинган. Меҳнатнинг бўлиниши, мулкий тенгсизликлар, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши мулк эгаларида ушбу мулкка зарар етишидан хавфсираш ҳиссини уйғотган. Эрамиздан 3-4 минг йил аввал ҳозирги Жанубий Ироқ ҳудудида шаклланган илк синфий давлатлар ҳисобланмиш Ур, Урук, Лагашда савдогарлар мулкига зарар етган ҳолда уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида махсус тузилган умумий касса ҳисобидан ёрдам ажратилган. Месопотамияда эса суғурта қоидалари эрамиздан 2000 йил аввал қабул қилинган Шульга қонунлари билан тартибга солинган.

Кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар суғуртанинг пайдо бўлиш босқичини Хаммурапи даври билан боғлаб ўрганиш фикрини илгари суришган. Чунки Хаммурапи қонунлари ҳозирги давргача етиб келган ўз замонасининг энг аниқ ва кенг қамровли ҳужжати ҳисобланади. Хаммурапи подшоҳи қонунларида йирик савдо карвонлари узоқ сафарга чиққанда талофат кўрса, қароқчиларга таланса, кўрилган зарарни жамоа аъзолари ўртасида баробар тақсимлаш йўли билан камомадни қоплаш тўғрисидаги аниқ кўрсатмалар берилган. Бахтсиз ҳодисалардан талофат кўрганларга ёрдам кўрсатиш антик давлатларнинг барчасида йўлга қўйилган. Жумладан, қадимги Миср эҳромларини қуриш давомида ҳаёти ёки соғлиғига зарар етган шахслар ёки уларнинг оилалари фойдасига ўзаро ёрдам кўрсатиш ширкатлари тузилган. Қадимги Ҳиндистонда ҳам ҳунарманд ва савдогарлар ўртасида ўзаро ёрдам кўрсатувчи ўзига хос уюшмалар фаолият юритган. Тезкорлик билан ривожлана борган денгиз савдоси қадимги Юнонистон савдогарлари ўртасида ҳам ўзаро ёрдам кўрсатиш бирлашмаларини тузишни тақозо этган. Жумладан, эрамиздан олдинги 916 йилда Родос оролида кема ҳалокати натижасида кўрилган зиённи тақсимлаш борасида кўрсатма берувчи ҳужжат қабул қилинади. Эрамиздан олдинги 594 йилда Афинада қабул қилинган Солон қонунларида ҳам савдогарларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳамкорликда экспедиция ўтказиш ўртоқликларини тузишига алоҳида эътибор берилган.

Кўриниб турганидек, суғуртага хос муносабатларга, яъни инсон талофат кўрганда бу талофатнинг зарарли оқибатини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида бирлашиб, ёрдам. жамғармаларини тузиш ва ҳамкорликда ёрдам кўрсатишдан келиб чиқадиган муносабатларга эрамиздан аввалги даврлардаёқ қонунлар билан тартибга солинган. Ҳозирги пайтда эса суғурта ишончли ёрдам ва кафолат тизими сифатида дунёнинг барча мамлакатларида амал қилинмоқда.

**Лутфияхон АБДУКАРИМОВА**

Jinoyat va jazo

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ

## ЁХУД БИР ФИРИБГАРНИНГ «АНТИҚА» ҚИЛМИШИ

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда тадбиркор ёки фермернинг фаолияти бевосита банк билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳар бир тадбиркор ва фермер чўнтагидаги маблағнинг чўғига қараб иш тутади. Мижозлар орасида банкдан қарз олиб уни белгиланган муддатда қайтармаслик ёки ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланмаслик ҳоллари ҳам йўқ эмас. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, банк ходимлари орасида ҳам нафс қутқусига учиб, жиноят содир этаётган кимсалар, гарчи онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Жиноят эса жазосиз қолмайди...

* * *

Суднинг қора курсисида ўтирган Низомжон Раҳимов ТИФ «Миллий банк»нинг Термиз шаҳар бўлимида дастлаб ҳисобот операциялари бўлимининг етакчи мутахассиси сифатида иш бошлади. 2001 йилнинг куз ойларидан бошлаб, унга шу соҳанинг бош мутахассис лавозими насиб этди. Бу катта ва масъулиятли вазифа эди. Адлия вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 515-сонли ва Марказий банкнинг 412-сонли қарори билан тасдиқланган **“Ахборотлаштириш тизими банк технологияларида маълумотларни муҳофаза қилиш ҳамда банкларда бу қоидаларнинг бажарилишида масъул ходимларнинг жавобгарлиги тўғрисида”**ги Низомининг 2.9 бандига амал қилмасдан барча электрон тўловларни жўнатилиш вақтида электрон имзо билан тасдиқланиши ва электрон шифрация билан ҳимоялаш шартлигини билиш, банк сирларини сақлаш ва ўзгалар мулкини талон-тарож қилмаслик ҳақида ходимдан тилхат олиниб, шартнома тузилади. Низомжон Раҳимов ўз иш фаолиятига доир барча қоидаларни яхшигина ўзлаштириб олган бўлса-да, ғирромлик гирдоби томон интилди...

Тўғрироғи, хизмат ваколатидан фойдаланиб, шартнома шартларини қўпол равишда бузганича корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорларнинг ҳеч қандай розилигисиз уларга тегишли маблағларни ўзи истаган ҳисоб рақамларига ўтказиб, бухгалтерия журналларини ўзгартириш, мижозлар ихтиёридаги катта миқдордаги пул маблағларни компьютер воситасида талон-тарож қилиш йўли билан қонун билан муҳофаза қилинадиган давлат ҳамда жамоат манфаатларига катта миқдорда зарар етказди. Бу жиноий фаолиятни амалга оширишда у банкнинг бош ҳисобчиси Дилмурод Шукуров билан тил бириктирди.

Энг ёмони, у ўзининг жиноий ҳаракатларини узоқ муддат давом эттириб келди. Жумладан, унинг қинғир ишлари туфайли вилоят Божхона бошқармасининг ҳисоб рақамидан 2002 йил 24 декабрдаги 238-сонли қалбаки тўлов топшириқномаси орқали 754 минг 600 сўм, 2003 йил 10 январдаги 1-сонли қалбаки тўлов топшириқномаси орқали 2 миллион 500 минг сўм — жами 3 миллион 254 минг 600 сўмлик маблағ якка тартибдаги тадбиркор Д. Ғаффоровнинг ҳисоб рақамига “Айритом” божхона комплекси қурилишига турли хил маҳсулот олиш учун, дея мижоз томонидан гарчанд тўлов топшириқнома тақдим этилмаган бўлса-да, топшириқномасиз ўтказилиб юборилди.

Шундан сўнг Низомжон Раҳимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳисоб рақамидан 101-сонли тўлов топшириқномаси орқали 400 минг сўмни якка тартибдаги тадбиркор Эшназаровнинг ҳисоб рақамига канцелярия молларини олиш учун, 193-сонли тўлов топшириқномаси ёрдамида 1 миллион 622 минг сўмни тадбиркор Д.Ғаффоровнинг ҳисоб рақамига “Нексия” автомашинасининг эҳтиёт қисмларини харид қилиш учун, дея ўтказиб юборди.

Ана шундай қинғир ишларга боши билан шўнғиган “қаҳрамонимиз” бир пайт қараса, барчаси силлиқ кетаяпти. Бу орада келган текширувчилар ҳам унинг қинғир ишларидан бехабар қолишди. Чунки ўзи хизмат кўрсатадиган мижозларнинг компьютердаги ҳисоб рақамларини очишда фақат унинг ўзигина биладиган махсус “парол”га эга эди. Бу “парол”ни ҳеч ким бузолмайди, компьютерда бажарилган пул маблағларини бир ҳисобдан бошқа бир ҳисоб рақамига ўтказишда ушбу операцияларни бажарган шахснинг имзоси қўйилгандан сўнг иш бажарилиши мумкин. Н.Раҳимов оғир жиноятга қўл ураётганини била туриб, ўнлаб корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорларнинг ҳисоб рақамидаги маблағини сохта тўловномалар, қалбаки шартномалар билан кўчириб юбораверган. Кейинчалик унинг қилмиши фош бўлгач, иш столи тортмасидан катта миқдорда тўлдирилмаган, лекин муҳр ва имзо қўйилган иш қоғозлари, тўлов топшириқномалари, ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар, якка тадбиркорларнинг муҳри босилган расмий ҳужжатлар топилди.

Бу «шаввоз» ўзининг қарийб икки йиллик бош мутахассис лавозимидаги фаолияти давомида жами 22 миллион 996 минг 403 сўм миқдорда ўзига ишониб топширилган ўзгаларнинг мулкини мансаб мавқеидан фойдаланиб, талон-тарож қилган.

Албатта, Н.Раҳимовнинг бундай жиноятга эмин-эркин қўл уриши, ўзгаларнинг маблағини талон-тарож қилишига банкдаги масъул ходимларининг эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳам сабаб бўлган. Хусусан, банкда бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келган Дилмурод Шукуров ўз ишига совуққонлик билан қараган, ўзига бўйсунувчи ходимнинг фаолиятини етарли даражада назорат қилмаган. Бундан ҳам ёмони шундаки, пул маблағларини мижознинг ҳисоб рақамидан фақат уларнинг ёзма розилиги билан кўчириш, бу маблағлар бир ҳисобдан иккинчи бир ҳисоб рақамига ўтказиш пайтида мемориал ордерларга банк бош ҳисобчиси ва ҳисоб рақами бириктирилган масъул ходим имзо қўйиши лозим бўлса-да, маблағи кўчирилган мемориал ордерларга барча имзоларни масъул ходим Н.Раҳимов қўйган. Бунинг оқибатида вилоят фан ва таълим касаба уюшмаси қўмитаси ҳисоб рақамидан 12 миллион 413 минг 951 сўм, вилоят карантин инспекцияси ҳисоб рақамидан 3 миллион 667 минг сўм, вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси ҳисоб рақамидан 1 миллион 328 минг сўм ва якка тадбиркорларнинг 22 миллион 996 минг 403 сўмлик маблағларнинг талон-тарож қилинишига йўл қўйилган.

Бош ҳисобчи Дилмурод Шукуров ўз соҳасида анчагина тажриба орттирган ходим ҳисобланади. Бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки у 1998 йилдан буён банкда бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келган.

Гарчанд суд мажлисида бош ҳисобчи ўз айбига иқрор бўлмаса-да, унинг қилмиши далиллар билан исботланди. Мисол учун у 2003 йил 17 март куни вилоят карантин инспекциясининг 1 миллион 283 минг сўмлик маблағини Низомжон Раҳимов тадбиркор А.Бобоевнинг ҳисоб рақамига ўтказиб юборганидан хабардор бўлган. Ҳатто бош ҳисобчи Д.Шукуров Н.Раҳимовдан бу ҳақда сўраганда, у “мен бу пулни тез кунда жойига қўяман”, деб жавоб берган. Шундан сўнг негадир бош ҳисобчи ўз хизмат ваколатига хилоф равишда бундан банк раҳбариятини хабардор қилмаган.

2003 йилнинг август ойида эса Н.Раҳимов хизмат кўрсатаётган мижозларнинг ҳисобчилари банкнинг бош ҳисобчиси Д.Шукуров ҳузурига кириб, ўзларига тегишли ҳисоб рақамларидаги мавжуд пуллар йўқолиб қолганини арз қилишади. Мижозлар қўлидаги ҳужжатларда пул маблағлари бўла туриб ва бу банк томонидан берилган ҳужжатларда ҳам қайд қилинган бўлса-да, лекин ҳисоб рақамидаги пуллар сирли тарзда ғойиб бўлгани бош ҳисобчини ҳам шошириб қўяди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Dakki

# ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН "ВАКОЛАТ"



Мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Бироқ қонун ҳужжатларини ўз фойдалари учун билиб-билмай нотўғри талқин этишга уриниш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қуйидаги мисол ана шу ҳақда.

Шу йилнинг 9 март куни Тошкент вилояти адлия бошқармасига Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи 01-12/1059 рақамли хати билан мурожаат этди. Унда шундай дейилган:

**«Кейинги пайтда "Тошкент вилояти божхона ҳудудларидаги йўлларда фуқароларни ташиш билан шуғулланаётган автотранспорт воситалари анчагина кўпайди. Бундай автоуловлар баъзан божхона назорати остида бўлмаган айланма йўллар, чегара чизиғида жойлашган хонадонлар орқали ноқонуний равишда олиб ўтилаётган товарларнинг мамлакатимизга кириб келишига сабаб бўлмоқда.**

**Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик, чегара ҳудудларида йўл ҳаракатини таъминлаш, божхона чегараси орқали ўтаётган автотранспортни назорат қилиш ва фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида доимий равишда тадбирлар ўтказиб турилибди.**

**Шу йил 4-6 март кунлари Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ, божхона, солиқ, автомобил ва дарё транспорти агентлиги ходимларидан иборат қўшма гуруҳ тузилиб, йўловчилар ташиш билан шуғулланувчи автотранспорт воситаларига ваколатли агентлик томонидан лицензия берилган-берилмагани, солиқлар тўловини мувофиқлиги ўрганилди.**

**Натижада агентлик томонидан берилиши лозим бўлган лицензиялар айрим автоулов ҳайдовчиларида мавжуд эмаслиги, солиқ тўловлари тўлиқ амалга оширилмаётганлиги каби қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилди.**

**Шунингдек, "Ғишткўприк" божхона мажмуи атрофидаги Ойбек номидаги кўчада бир гуруҳ шахслар кўчага арқон тортиб, ўтаётган транспорт воситаларидан 200-500 сўм миқдорида пул ундираётгани маълум бўлди. Улардан мазкур ҳолатга тушунтириш бериш сўралганда, Тошкент тумани "Ғишткўприк" маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг 2003 йил 17 декабрдаги 1—сонли баённомасини тақдим этишди. Мазкур ҳужжатни рўкач қилиб, фуқаролар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудни сунъий равишда автоуловлар тўхташ жойига айлантиришга уринмоқда.**

**Баён этилган ҳолатларни инобатга олиб, ундирилган патта маблағлари маҳалла жамғармасига тушаётгани, ундан тегишли солиқлар тўланаётганини текширишни ва Тошкент тумани "Ғишткўприк" маҳалла фуқаролар йиғини маҳалла кенгашининг 2003 йил 17 декабрдаги 1-сонли баённомасига ҳуқуқий баҳо беришингизни сўраймиз".**

Адлия бошқармаси томонидан мазкур хат атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам, "Ғишткўприк" маҳалла фуқаролар йиғини маҳалла кенгашининг 2003 йил 17 декабрда бўлиб ўтган 1-сон йиғилиш баённомасида маҳаллада фаолият юритаётган транспорт воситалари эгаларидан, шунингдек, нонвойхоналар, хусусий дўконлар ва бозорчаларда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган тадбиркорлардан йиғим ундириш тўғрисида қарор қабул қилингани қайд этилган. Жумладан, енгил автомобил ҳайдовчиларидан 200 сўм, "Газель", "Дамас" русумли автомашиналардан 500 сўм, хусусий дўкон, нонвойхоналар ва бозорчаларда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган тадбиркорлардан кунига 200 сўмдан йиғим йиғилиб, маҳалла жамғармасига топшириш белгиланган.

**"Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини Кенгашининг ваколатлари белгилаб қўйилган бўлиб, унда ўзини ўзи бошқариш идораларига йиғимларни жорий этиш ваколати ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, Солиқ кодексининг 7-моддасига мувофиқ ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик, ободончилик ишлари учун йиғимлар вилоят ҳокимлиги томонидан жорий этилади. Бундан ташқари, маҳаллий солиқ ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Бундан кўриниб турибдики, «Ғишткўприк» маҳалла фуқаролар йиғини маҳалла кенгаши ўз ваколати доирасидан четга чиқиб қарор қабул қилган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: наҳотки, маҳалла кенгашини мазкур ноқонуний қарори қабул қилинаётганда бирорта фуқаро унинг нотўғрилиги ҳақида эътироз билдирмаган? Қолаверса, бу масалани умумий йиғилишида кўриб чиқишда туман ҳокимлиги ёки мутасадди ташкилотлардан бирорта вакил иштирок этмаганми?

Маҳалла йиғинининг ушбу қарори амалдаги қонун-қоидаларга мутлақо зид бўлгани сабабли тадбиркорлар норозилигини келтириб чиқарди. Чунки **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 34-моддасида давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу қонунга мувофиқ, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги ҳолатидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Ҳа, ҳар қандай ният ва ташаббус амалдаги қонун-қоидаларга зид бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиш ҳеч гап эмас.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси шу йилинг 14 апрел куни Тошкент тумани "Ғишткўприк" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Обидов номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган 02-1/1319-сонли тақдимнома киритган эди.

"Ғишткўприк" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг имзоси билан юборилган 282-рақамли жавоб хатида айтилишича, мазкур масала шу йил 24 март куни туман ҳокимияти ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирокида муҳокама этилиб, ноқонуний қарор бекор қилинган. Шу тариқа ноқонуний хатти-ҳаракатга чек қўйилди. Энди ҳамма гап ундан хулоса чиқариш ва кейинчалик қайта такрорламасликда қолди. Шу маънода у сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Tilsimli dunyo

# МАТОНАТЛИ МАҲБУБАЛАР

***Аёл азал-азалдан муқаддас саналган. Зеро, ҳаётнинг бардавомлигини таъминлайдиган, оилага, турмушга файз киритадиган зот ҳам аёлдир.***

***Шунинг баробарида тарихга назар солсак, муҳаббат бобида аёллар ҳар қандай қийинчилик, изтироб ва азоб-уқубатни юксак ирода билан енгиб ўтган. Қуйида ана шундай воқеалар хусусида ҳикоя қилинади.***

Таниқли рус шоири Сергей Есенинни шеърият ихлосмандлари яхши билишади. Унинг севги ва садоқат ҳақидаги дилбар мисралари кўпчилик, шу жумладан, гўзал санамлар қалбини ҳам ром этган. Шоирнинг ижоди қанчалик сирли ва мураккаб бўлса, унинг шахсий ҳаёти ҳам ана шундай зиддиятли кечган. Унинг аёлларга муҳаббати бениҳоя баланд эди. Бир вақтлар болалигида ўртоқлари билан урушиб, жанжаллашиб бурни қонаган бола кейинчалик шундай деб ёзган эди:

***Мағрурлигим***
***қолмаган ҳамон,***
***Ҳамон баланд***
***ўтли юрагим.***
***Болаликда бурним***
***қонаган,***
***Бугун эса***
***қондир юрагим.***

Унинг юрагини замон ёки аёллар қон қилганини ҳеч билмайди, албатта. Лекин у қисқа умри давомида жуда кўп марта уйланган. Хусусан, 1921 йили Россияга ташриф буюрган машҳур америкалик раққоса Айседора Дунканни севиб қолган. Гарчи Айседора 2 фарзандли ва ўзидан 18 ёш катта бўлишига қарамасдан унга уйланади. Бироқ Айседора ҳам тез орада Сергейнинг ҳафсаласини пир қилади. Улфатлар даврасидан бўшамайдиган, пойтахтнинг барча машҳур ресторанларини кезиб чиққан шоир ярим тунда уйга қайтгач, хотинини турғизиб шу қадар дўппослардики, бечоранинг ҳаммаёғи моматалоқ бўлиб кетарди. Бу ҳол бир кун ёки бирор ҳафта эмас, балки муттасил давом этарди. Шундай бўлса-да, бечора аёл ўзини "буюкман" деб баралла айтадиган шоирни жонидан ҳам ортиқ севарди.

Орадан кўп ўтмай улар Европа сафарига жўнаб кетишади. Бироқ С.Есенин ўзининг антиқа қилиқларини сафар давомида, ҳатто Америкага борганда ҳам тарк этмайди. Есенин хотинини қанчалик азобламасин, аёл барибир уни севишда давом этаверади.

Америкача яшаш тарзи рус шоирига маъқул келмагани учун у икки йилдан сўнг яна Россияга қайтиб келади ва кунлардан бир кун Айседорага қуйидаги мазмунда телеграмма юборади:

"Табриклашинг мумкин. Мен бошқа аёлни севиб қолдим".

Айседора телеграммани тунда ўз хобгоҳидаги катта тошойна олдида ўқиб ўтираркан, қўлидаги лаб бўёғи билан кўзгуга шундай деб ёзади:

"Мен барибир абадий сеникиман".

Шоир охирги марта машҳур ёзувчи Лев Толстойнинг набираси Софияга уйланган. У ҳам Есениннинг муштларига, бақир-чақирларига, таънаю-дашномларига матонат билан чидаган ва онасининг бир неча бор ажралиш ҳақидаги таклифларига кескин рад жавобини берган. Навбатдаги ана шундай маслаҳатлар чоғида София онасига шундай деган:

"Сергей қалбимда шундай ҳис-туйғу уйғотдики, бу бошқа бировнинг қўлидан келмайди. Яратган эгамнинг ўзигина шундай қилиши мумкин. Бошқа ажралиш ҳақида менга насиҳат қилманг".

Машҳур америкалик кино юлдузи Мэг Райана ҳам ана шундай матонатли аёллар сирасига киради. У шуҳрат чўққисига чиққан вақтида гиёҳванд ва ичкиликбоз, бўлар-бўлмасга жанжал кўтарадиган Денис Куэдни севиб қолади.

— Сенинг тенгинг эмас, — дея маслаҳат беришади Денисни яхши биладиган дугоналари, — унга тегсанг, ўзингни хароб қиласан.

— Барибир Куэдга тегаман, — дея қатъий жавоб қилади у.

Гўзал актриса 1991 йили "таърифда тенги йўқ" Денисга турмушга чиқади. Буни қарангки, орадан 9 йил ўтгач, Денис ичишни ҳам, чекишни ҳам, барча "хурмача" қилиқларини ҳам ташлайди. У намунали эрга айланади. Аммо бу осуда ҳаёт Мэгнинг жонига тегади. У арзимас баҳона излаб эри билан уришишга ҳаракат қилади. Лекин Денис жанжал кўтармайди.

— Сен ҳақсан, мендан ўтган бўлса, узр, — дея ҳамиша бир хил жавоб қайтаради у.

Ҳаётнинг бундай тинч оқими актрисанинг жонига тегади. У Денис билан ажралиб 2000 йили Россел Кроузга турмушга чиқади. Ажабланарли томони шундаки, Россел ҳам ичиш-чекиш ва суюқоёқликда Денисдан қолишмасди.

Ўтган асрнинг 90 йилларида жиноятчилик оламини даҳшатга солган Сергей Мадуев номини нафақат у туғилиб ўсган шаҳарда, балки собиқ Иттифоқнинг барча ҳуқуқ тартибот идоралари вакиллари, жиноятчилик олами "намоёндалари" яхши билишарди. "Червонец" лақабини эшитишганда фақат каллакесарлар эмас, балки "қонундаги ўғрилар" ҳам сергак тортарди. Бир неча бор ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланган Сергей 1981 йили 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади.

Бироқ жиноятчи қамоқдан қочиш ҳақида ўйлай бошлайди ва 1988 йили бунга эришди. Шундан сўнг бутуниттифоқ қидируви эълон қилинади. 2 йилгача ҳеч қандай натижа бўлмайди. Уни қанча излашмасин, барибир, топишолмади. Ана шу 2 йил давомида у 60 дан ортиқ энг оғир жиноятларни амалга оширди. Гуружистонга бориб, машҳур ўғрилар бошлиғини "яхшилаб сийлади".

Сергей Мадиевнинг "хизмат сафари"ни Тошкент вокзалида ўзбекистонлик изқуварлар поёнига етказишди. У ниҳоятда усталик билан қўлга олинди.

Ҳаётнинг қизиқлигини қарангки, машҳур жиноятчини келиб-келиб Собиқ Иттифоқнинг машҳур терговчиларидан бири бўлган гўзал Наталья Воронцова ёқтириб қолади. Тергов давомидаёқ улар ўртасида ишқий саргузаштлар бошланади. Иш шу даражага етадики, охир-оқибатда Наталья жиноятчига тўппонча бериб, унинг қамоқдан қочишига ёрдамлашади. Лекин барибир жиноятчининг нияти амалга ошмайди — у яна қўлга олинади.

Аёллар... Уларни тушуниш ҳам осон, ҳам қийин. Муҳаббатнинг саройи кенг экан, деганлари шу бўлса, ажаб эмас.

**Зиёвуддин**
**ОРТИҚХЎЖАЕВ**

Charxi kajraftor

# ТАБИАТ ҲАЗИЛИ

Қадим-қадимдан табиат сир-синоати ва қудрати билан одамзод боласини ҳайратга солиб келган. Инсон табиат олдида ўзини билимдон ва қудратли ҳис этса-да, бироқ ҳамиша ожиз қолган. Ҳолбуки, табиат озгина жунбушга келса, ерда ақлбовар қилмайдиган воқеа-ҳодисалар юз бериши ҳеч гап эмас.



Биргина ўтган ҳафта ер юзида об-ҳавонинг кескин ўзгариши дунё аҳлига озмунча ташвиш солгани йўқ. Қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

**ЁМҒИР ВА ТОШҚИН.** Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш ва Неапалда ёзги муссон ёмғири таъсирида юзага келган кучли тошқин оқибатида юзлаб одамлар ҳаётдан кўз юмди. Япониянинг шимолида кўплаб одамлар сувга ғарқ бўлди. Бу ерда жойлашган болалар боғчасининг бири 70 нафар тарбияланувчи гўдаклар билан бирга тошқин ичида қолди. Гўдаклар азбаройи қўрқувга тушгандан аччиқ-аччиқ йиғлашди. Орадан бир неча соат ўтгач, уларни иккита вертолёт орқали қутқаришга муваффақ бўлишди.

**ЖАЗИРАМА.** Дунёнинг бир четида кучли ёмғир ёғиб турган пайтда Македонияда кучли жазирама иссиқдан 15 нафар киши вафот этди. Токиода яшайдиган 80 нафар киши эса офтоб уриши натижасида жароҳат олди.

**СОВУҚ.** Жанубий Американинг 6 мамлакатида об-ҳавонинг тўсатдан совуб кетиши оқибатида 23 нафар киши ҳаёт билан видолашди. Бовариянинг Альп тоғларида эса 2 метр қалинликда қор тушди.



Табиатдаги бундай кескин ўзгариш Қримда дам олаётганларнинг ҳам ҳаловатини бузди. Чунки бу масканда денгиз сувининг ҳарорати 16 градусга тушиб кетди.

**ЧАҚИН.** Кучли момақалдироқ гумбурлаб, чақин чақиши оқибатида жанубий Хитойнинг Гуамдуи музофотида 7 нафар киши қурбон бўлди. Руминияда эса чақин чаққан пайтда далада бўлган тўрт нафар киши ҳалок бўлган.

**ДОВУЛ.** Ўтган ҳафта табиатнинг яна бир сирли кучи — кучли довул Украина, Белоруссия ва Руминия ҳудудларини "кезиб чиқди". Бунинг оқибатида 900 та аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуд чироқсиз қолди. Қизиқ жойи шундаки, довул Ярослав аҳолисини жиндек қўрқувга ҳам солди. Гап шундаки, кучли довул болалар боғчасидаги кулбани осмону фалакка олиб чиқиб, роса "ўйнатди". Кейин яна ерга ташлаб юборди...

Иркутск вилоятида эса довул бундан ҳам баттар ҳунарини кўрсатди. У бир дунё муаммоларни юзага келтириш билан бирга тўрт нафар кишининг жонини ўзи билан олиб кетди.

Ангар вилоятида эса довул уруш, очлик ва ниҳоят, коммунистлар зуғумига бардош бериб 82 ёшга етган Мария Дубинанинг ҳаётига тажовуз қилди.

Хўш, табиатнинг кутилмаганда бундай жунбушга келиши сабаблари нима билан изоҳланади?

Ҳозирги пайтда дунё олимлари бу савол устида бош қотирмоқда.

**Саида ИНОҒОМОВА**
**тайёрлади.**



*Масъумлик*

Jinoyatga jazo muqarrar

# ҚИСМАТ ЎЙИНИ

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Рўзғорга топган-тутганимни ҳам ўша аёлга сарфлаб юборяпти. Уни гапирмаган одам қолмади. Маҳалладан биронтасининг эшигини супургани борай десам, юзим шувут. Ким ҳам қизини берарди...

— Биз ҳам ҳайронмиз, ўғлинг кимга тортди, — дейишади улар. — Элу халққа бош қўшгани уялиб қолдик. Ҳамманинг оғзида бир гап. Ўғлингнинг суюқоёқлигини юзимизга айтмаса ҳам, ортимиздан гапиряпти... Бу бола бизни жуда иснодга қўйди...

Онанинг кўнгли баттар хуфтон бўлиб уйига қайтди. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай даъвога, деб шунга айтса керак-да... Йўқса, бор-йўғи ёлғиз ўғил... Қисматнинг қаттоллигини қарангки, шуни ҳам йўлга сололмади. Шу зайлда кунлар кетидан ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлар ўтаверди. Баъзан Абдулла гўё эс-ҳушини йиғиштириб олгандек, кутилмаганда ўзгариб, онасига қарашар, сингилларига меҳрибонлик кўрсатарди. Бироқ бу ҳолат сароб янглиғ бир неча дақиқа давом этар, Абдулла тўсатдан яна ўзгариб қолар, рўзғордан қўлига илинган нарсани ўмариб, кўздан ғойиб бўлади. Охир-оқибат пичоқ суякка бориб қадалди. Ор-номусдан она эшик хатлаб кўчага маҳалла-кўйга аралаша олмай қолди. У ҳар қанча ўғлини ёмон йўлдан қайтаришга уринмасин, барибир бунинг уддасидан чиқолмади.

— Сендан бошқа йигит бўлганида, ишлаб менга ёрдам берарди, — деди кунларнинг бирида она ўғлига. — сен эса уйдан пул ўғирлаб қаёқдаги суюқоёқ аёлга сарфлаб юрибсан. Уялмайсанми?!.

Абдулла ўз айбини тан олишга ори чидамай кутилмаганда онасига қўл кўтарди... Она унинг мушти зарбидан юзтубан йиқилди. Қизлар инига илон оралаган қалдирғочлар сингари чинқириб, ўзларини тўрт тарафга уришди. Кейин улар йиғлаб-сиқтаб маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъруфжон ака Ҳамрохўжаевни бошлаб келишди.

— Ўз онангга қўл кўтаргани уялмайсанми? — деди маҳалла оқсоқоли, — йигит киши ҳам ўз онасини урадими? Уят эмасми?!.

Абдулла гўё оқсоқолнинг насиҳатини тинглагандек бошини қуйи эгиб ўтирарди, бироқ унинг фикру-ёди бошқа ёқларда учиб юрарди.

Маҳалла оқсоқолларининг куйиниб айтган панд-насиҳати таъсири иккиуч кунга етди, холос. Кейин у кутилмаганда яна тўнини тескари кийиб, уйдан кўзга кўринган матоҳми, буюмми ўмариб, кўчага чиқиб кетди.

Бу ҳолат кейин ҳам уч-тўрт марта такрорлангач, онанинг буткул сабр-тоқати тугади. У ўғлининг ортидан боришга жазм қилди.

— Сендан кечсам-кечаман, — деди нобакор фарзанд ўз онасига, — аммо Мафтунадан (исм шартли равишда ўзгартирилди) ҳеч қачон кечмайман.

Бу ҳақорат етмагандек, у етти ёт бегоналар олдида онасига тағин қўл кўтарди. Бундан онанинг кўз олди қоронғу тортиб, қулоқлари ҳеч нимани эшитмай қолди.

***(Давоми бор)***

**Муҳиддин ҚУТПИДДИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Jinoyat va jazo

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ

## ЁХУД БИР ФИРИБГАРНИНГ «АНТИҚА» ҚИЛМИШИ

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Чунки у бюджет ташкилотларнинг маблағлари ҳеч бир ҳужжатсиз компьютер воситасида якка тадбиркорлар ҳисоб рақамига ўтказилиб юборилганининг гувоҳи бўлади.

Суд мажлисида фуқаролик даъвогари сифатида кўрсатма берган Фахриддин Чориев вилоят божхона бошқармасида молия иқтисод ва ҳисобчилик ҳисоби бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётгани, унинг асосий вазифаси ташкилот ҳисоб рақамидаги маблағларнинг айланишини назорат этишдан иборат эканини баён этди. Унинг судда берган кўрсатмасида 2001 йил Республика бюджетига 754.600 сўм маблағ ўтказилганда ушбу тўлов топшириқномасидаги 2001 йил санаси 2002 йил 24 декабр, олувчи — давлат бюджети ўрнига якка тартибдаги тадбиркор Ғаффоров деб ўзгартирилгани сабабли бу маблағ тадбиркорнинг ҳисоб рақамига келиб тушганини баён этди. Бундан ташқари, 2002 йил 16 декабрдаги 16/12-сонли шартномага кўра, 2 миллион 500 минг сўмлик пул маблағи мижознинг розилигисиз ва тўлов топшириқномасиз тадбиркор Ғаффоровнинг ҳисоб рақамига «Айритом» божхона комплексига қурилиш материаллари олиш учун» деб ўтказилиб юборилгани текшириш чоғида ошкор бўлган. Шунингдек, банк томонидан бериладиган қолдиқ маблағнинг кўчирмасида ҳисоб рақамида пул борлиги қайд қилинган бўлса-да, компьютердаги ҳисоб рақамида эса ушбу маблағларнинг йўқлигига даъво қилиб жавобгар шахслардан етказилган 3 миллион 254 минг 600 сўмлик маблағни ундириб беришини сўради. Вилоят маданият ишлари бошқармасида бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган Нортожи Эргашевнинг судда берган кўрсатмасида 2003 йил август ойида бошқарма хазиначисини пул ўтказиш тўловномаси билан банкка юборганда банкдагилар ҳисоб рақамда пул йўқлигини маълум қилишган. Шунда унинг ўзи банкка келиб, қўлидаги банк кўчирмасида маблағ борлиги қайд қилинганини исбот қилувчи ҳужжат билан бош ҳисобчи ҳузурига киради. Солиштирма далолатнома асосида ўтказилган текширишда 2002 йил 12 март кунидаги 101-сонли тўлов топшириқномаси билан 400.000 сўм пул тадбиркор Эшназаровнинг ҳисоб рақамига, 2002 йил 10 мартдаги 10/03-сонли шартнома асосида «канцелярия моллари олиш учун 100 фоиз тўлов» деб ўтказилиб юборилгани аниқланади. Шунингдек, 2002 йил 16 майдаги 193-сонли қалбаки тўлов топшириқномага кўра, 300.000 сўм пул тадбиркор Ҳасановнинг ҳисоб рақамига, 2002 йил 3 октябрдаги 162-сонли қалбаки тўлов топшириқномаси билан 1 миллион 622 минг сўмлик маблағ тадбиркор Ғаффоровнинг ҳисоб рақамига мижоз томонидан ҳеч бир расмий ҳужжат берилмасдан ўтказиб берилганини баён этиб, 1 миллион 922 минг сўмлик маблағни айбдор шахслардан ундириб беришни сўради.

Вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг молия ишлари бўлими мудири Бахтиёр Ашуров ҳам ўзи ишлаётган ташкилотнинг банкдаги ҳисоб рақамидаги мавжуд маблағ билан банк томонидан унга берилган кўчирмалар ўртасида катта фарқ борлигини сезиб қолади. Жумладан, мижоз назорат қиладиган ҳисоб рақамидан 800 минг сўм "Мустақиллик" хусусий савдо ишлаб чиқариш ташкилотига ўтиб кетганидан ҳайрон бўлиб, ушбу ташкилот бошлиғи Зархол Мусаевага учрашганида, у "Н.Раҳимовнинг мендан 800 минг сўм қарзи бор эди, бу маблағни қарзи учун менга ўтказиб берди" деган жавобни олади. Бош мутахассис Н.Раҳимов ўнлаб сохта тўловномалар орқали мижознинг 10 миллион 849 минг 680 сўм маблағини якка тадбиркорлар ҳисоб рақамига ўтказиб юборилгани учун бўлим мудири Бахтиёр Ашуров суд мажлисида ана шу у келтирган зарарни айбдорлардан ундириб беришни сўраб, кўрсатма берди.

Қисқаси, Д.Шукуров ва Н.Раҳимовнинг икки йиллик иш фаолиятида мижозларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-тарожлик қилганликлари тўғрисидаги далилларни ёзаверсак, газета саҳифасига сиғмай қолиши мумкин.

Ҳар қандай жиноят ўз исботини топади ва тегишли жазосини олади. Яқинда бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг очиқ мажлисида банк ходимларининг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд айбдор шахслар Н.Раҳимов ва Д.Шукуровга тегишли жазо тайинлади.

Ҳар икки ходим банкда жуда катта масъулиятли вазифада фаолият кўрсатган. Улар томонидан содир этилган жиноят эса бир ой ёки икки ой эмас, балки йиллар давомида қайта-қайта такрорланган. Йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ошкор бўлмаётгани туфайли жиноят тобора илдиз отиб кетаверган. Бу эса мижозларнинг оворагарчилигига, юзлаб ишчи-хизматчиларнинг ўз ойлик маошлари вақтида олишга сунъий тўсиқ бўлган. Энг ёмони, мижознинг банкка бўлган ишончига путур етган. Ўзаро ишончнинг эса нархи йўқ. Уни тарозига қўйиб тортиб бўлмайди. Бировга сотиб ҳам бўлмайди. Зеро, банк раҳбарияти, шу соҳага тааллуқли мутахассисларнинг сезгирлиги, масъулияти бир қадар баланд бўлганида, балки бундай жиноятнинг илдизи ўз вақтида кесиб ташланган бўларди. Биз бу мақолани барча банк ходимларига сабоқ бўлсин, дея газета саҳифасида ёритишни лозим топдик.

**Аҳмад МУРОДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**ЭЪЛОН**

**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 30 июнда Пардаев Бозор Саибназаровичга берилган SU 000015 сериали, 15-реестр рақамли нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Маҳмуд САТТОРОВ
Ислом ҲАМРО
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5